




ТОШКЕНТ ОҚШОМЖИ



ШАҲАР
ИЖТИМОЙ-
СИЕСИЙ
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 146 (9.338) 1999 йил 17 декабрь, жума Сотувда эркин нархда



2000
9-январь —
Ўзбекистон
Республикаси
Президенти
сайлови куни

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БУХОРОЛИК ВА НАВОЙЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАРИ

Янги аср арафасида, минг йилликлар тутанган тарихий даврда Ўзбекистон халқи ўз келажagini белгилайдиган жараён — Президент сайловини ўтказди. Истиқлолдан сўнг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини қўлга киритган элимизнинг бу жараёнда фаол иштироки унинг онқисидаги ўзгаришларнинг, янги таъақкурнинг белгисидир.

Мамлакат Президенти сайловда Фидокорлар миллий демократик партиясидан номзоди кўрсатилган Ислам Каримовнинг Бухоро вилояти сайловчилари билан учрашувда ҳам бу аққол намоён бўлди.

Учрашувни Ўзбекистон Президенти сайловини ўтказиш бўйича 3-Бухоро округ сайлов комиссияси раиси Комил Муқимов очди.

Президентликка номзоднинг ишончли вакили Ортиқ Вафоев Ислам Каримовнинг тархимаи холи ва сайловолди дастури билан таништирди. Таъкидланганидек, мамлакатимизда жадал амалга ошириладиган ислохотларнинг ташаббусқори бўлган Ислам Каримов халқимизнинг янги таъаққури пойдеворини, баркамол авлодни тарбиялаш, аждодлар меросини тиклаш ва ўрганиш, Ватанимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги улкан ишларнинг раҳнамоси ва кафолати ҳамдир. Шу боис ҳам юртимиз аҳли давлатимиз раҳбарининг ички ва ташқи сиёсатини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда.

Учрашувда Президентликка номзод Ислам Каримов нутқ сўзлади.

У Бухоролик деҳқонларни галла, пахта етиштириш борасидаги муваффақиятлари билан муборакбод этди. Вилоят мамлакатимиз тараққиётида, унинг ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаётида муҳим ўрин тутганини алоҳида таъкидлади. Кейинги йилларда Бухорода иқтисодиётнинг барча соҳаларида сезиларли ютуқларга эришилди.

Айниқса, истиқлол шарофати билан бунёд этилган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи иқтисодиётимизнинг гигант корхоналаридан бирига айланди. Ҳозир вилоятда 26 қўшма корхона фаолият кўрсатаяпти. Улар орасида Хитой билан ҳамкорликда ташкил этилган пиллани қайта ишлашчи, АҚШ билан ҳамкорликдаги мрамар плитачи ишлаб чиқарувчи, Хиндистон билан ҳамкорликда дори-дармон ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар шулар жумласидандир.

Мустақиллик йилларида вилоят аҳолисини табиий газ ва тоза ичимлик сув билан таъминлашда ҳам сезиларли ишлар қилинди. Рақамларга эътибор беринг: 1991 йилда аҳолини табиий газ билан таъмин-

лаш 46,4 фоизни, қишлоқларда эса бу рақам 17,2 фоизни ташкил этарди. Қисқа вақт ичида бу рақам 85,3 ҳамда 77 фоизга етди.

Туризмни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилди. Яқин йилларда Бухоронинг қадимий обидаларини зиёрат қилиш учун келувчи сайёҳлар сони икки баробар кўпаяди. Бунинг учун вилоятда барча имконият бор, деб таъкидлади юртбошимиз.

Сайловчилар номидан сўзга чиққан меҳнат фахрийси Расул Саломов, Когон туманидаги 3-мактаб бошланғич таълим ўқитувчиси Марҳаб Файзиёва, Бухоро давлат университети рус филологияси кафедраси мудири Людмила Маврина, вилоят спорт қўмитасига қарашли 2-олимпия резервлари ўсмирлар махсус спорт мактабининг бош мураббийси, жаҳон чемпиони Собир Қурбонов, Бухоро тиббиёт институти талабаси Дилбар Наимова, Пешку туманидаги фермер хўжалиги бошлиғи Ёқуб Фаттоев, ғиждувонлик уста-қуллоқ Алишер Нарзуллаев бутун мамлакатимизда бўлгани каби Бухоро вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, таълим-тарбия, тиббиёт, илм-фан ва бошқа соҳалардаги ютуқларда Ислам Каримовнинг хиссаси катта эканлигини таъкидлаб, сайловчилари бўлажак сайловда унинг номзоди учун овоз беришга қаққирдилар.

Ислам Каримов учрашувни яқунлар экан, ўз шаънига айтилган самимий сўзлар учун бухороликларга миннатдорлик билдирди. Бу сўзларда эртанги кунга ишонч муҳассам эканлигини таъкидлади.

Учрашувдан сўнг Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Бухоро шаҳридаги янги ишотларни кўздан кечирди.

«Умо» теннис мажмуи билан танишуви чоғида давлатимиз раҳбари иншоот лойиҳаси, унда томошабинлар учун яратилган қўлайликлар билан қизиқди. Бундай спорт мажмуалари соғлом авлодни тарбиялашдек олий мақсадга хизмат қилишини айтди.

Ислам Каримов Бухоро шаҳри марказидаги Хотира майдонида ҳам бўлди. Ёдгорлик мажмуи ҳуусида ўз тақлифларини билдириб, бундай маканлар одамларнинг хотира ва фахр ҳиссини ўйготуви муқаддас даргоҳ бўлиши лозимлигини ўқтирди.

Шунингдек, Ўзбекистон Президенти Давлат шойишлик тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиалини ҳам кўздан кечирди. Тулиқ таъмирдан чиқарилиб, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган бу шифо масканида беморларга тезкор ёрдам кўрсатиш учун етарли шaroит яратилган. Ислам Каримов соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш дастурига мувофиқ бундай муассасаларда барча учун малакали тиббий ёрдам кўрсатилиши, жиҳозланган жиҳатидан эса етакчи хорижий давлатларникидан қолшимаслиги зарурлигини таъкидлади. Зеро, ислохотларнинг бош мақсади инсон манфаатларига қаратилгандир.

Бехзод УСМОНОВ,
Илҳом САФАРОВ,
Ўза мухбирлари

Навоийда тўқсон икки миллат ва элат вақили истиқомат қилади. Туран одам бўлагач, фикрлар ҳам турлича бўлади, аммо бир масалада улар ҳаммиса яқини — ўз йўлбошчисини севади.

16 декабрь куни Ислам Каримов вилоятга ташриф буюрганида, унинг истиқболига чиққан ва йўлнинг икки четини тўлдириб турган қишлоқларнинг чехрасида фақат шунинг — меҳру муҳаббат ифодасини кўриш мумкин эди.

Бугун халқимиз Ислам Каримов сиймосида ўзининг, фарзандларининг, орзу-ҳавасларининг, осийшталлигининг ҳимоячисини кўради ва бунга қатъият билан айтмоқда. Утган ўн йил ичида Ислам Каримов ўзининг миллатпарварлиги, салоҳияти ва буюк келажакка ёлқинли интилиши билан юраклардан жой олди.

Фидокорлар Миллий демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоди кўрсатилган Ислам Каримовнинг Навоий вилояти сайловчилари билан учрашувда ҳам бу эътироф бот-бот айтиildi.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 5-Навоий округ сайлов комиссияси раиси Баҳриддин Рўзиев очди.

Президентликка номзоднинг ишончли вакили, Навоий кўз касалликлари касалхонаси бош шифокори Уткир Мавлонов Ислам Каримовнинг ҳаёт йўли ва сайловолди дастури билан учрашув қатнашчиларини таништирди. Ишончли вакил мамлакатимиз учун ўта оғир даврда раҳбарлик фаолиятини бошлаган Ислам Каримовнинг миллий истиқлол ва давлатчилик асосларини барпо этиш, Ўзбекистоннинг буюк келажаги пойдеворини яратиш йўлида амалга оширган кенг қўламли ишларига алоҳида ургу берди.

Учрашувда Ислам Каримов нутқ сўзлади. Йўлбошчимиз вилоят саноати мамлакат салоҳияти ва ишлаб чиқариш соҳаларида салмоқли ўрин тутушига алоҳида эътибор қаратди.

— Бугун вилоят мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган цементнинг 42 фоизини, минерал ўғитларнинг 35 фоизини, қимматбаҳо ва рангли металлларнинг 73 фоизини бермоқда, — деди Ислам Каримов. — Бу ерда ҳар йили 300 минг тоннадан зиёд минерал ўғит, 400 минг тоннадан ошқик синтетик аммиак, 1 миллион тоннадан ортиқ цемент ишлаб чиқаришмоқда.

Шу йилнинг ўн бир ойида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 18 фоизга кўпайиб, 52 миллиард сўмни ташкил этди. Бунда Навоий кон-металлургия комбинати, «Навоийазот», «Қизилқумцемент», «Электроки-

мё» каби йирик саноат корхоналарининг хиссаси, айниқса, катта бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг ўтган тўққиз ойида вилоят иқтисодиётига қарийб 40 миллион АҚШ доллари миқдоридagi хорижий сармоя жалб этилганлиги, «Навоий-Султон Увайс-Нукус» темир йўли, Учқудукдаги халқаро аэропорт қурилиши жадаллик билан олиб борилаётганлигига тўхталиб, бу ишотлар ишга тушган, мамлакатимиз иқтисодий қудратини оширишга хизмат қилишини қайд этди.

Давлатимиз раҳбари вилоят қорвачилигидаги ютуқ ва камчиликларни таҳлил этар экан, бу соҳада ҳам ўсишга эришилгани, вилоят шаҳар ва қишлоқларини тоза ичимлик сув, табиий газ билан таъминлаш борасида муайян ютуқлар қўлга киритилганига эътиборни жалб қилди. Ҳозирги кунда вилоят аҳолисининг 72,4 фоизи табиий газ, 64 фоизи тоза ичимлик сув билан таъминланган.

Давлатимиз раҳбари 2000 йил «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинганга диққатни қаратиб, ёш авлодимизнинг соғлом, баркамол бўлишини таъминлаш — бизнинг асосий вазифамиз бўлмоғи кераклигини ўқтирди.

Учрашувда сўзга чиққан меҳнат фахрийлари Аҳтам Ҳотамов ва Аҳназар Умаров, Навоий давлат кончили институтини илмий ишлар бўлича проректори Саодат Бозорова, Қизилтепа тумани «Бухоро» ширкат хўжалиги раиси Владимир Шашурин, Навоий давлат педагогика институти талабаси Соҳиба Тоирова мамлакатимизда миллатлараро товулик мустаҳкамланаётгани, ёшларимизнинг унинг ўсиши учун шарт-шaroит яратилгани, аждодлар мероси, тарихий қадриятлар тикланаётганини таъкидлаб, буларнинг барчасида Ислам Каримовнинг улкан хизматлари муҳассам эканлигини, шу боис мамлакатимиз келажагини унинг номисиз тасаввур қила олмасликларини айтишди.

Шу кунга Ислам Каримов Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси билан ҳам учрашди. Учрашувни комбинат бош директори Н. Кучерский очиб, Ислам Каримовнинг сайловолди дастурида аждодларимизнинг донишмандлиги, буюк келажакни барпо этиш тамойиллари муҳассамлигини таъкидлади.

Ислам Каримов учрашувда сўзлаган нутқда Навоий кон-металлургия комбинати мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашда алоҳида ўрин тутганини, оғир меҳнат шaroитига қарамай, унинг жамоаси ўтиш даврининг синовларини энгиб, қимматбаҳо металллар, қимматли ўғитлар, машинасозлик ускуналари ишлаб чиқаришини тобора ошириб бораётганини қайд этди.

(Ўза).

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Сирдарё вилояти ҳокимлигининг қатта мажлислар залида келгуси йилнинг 9 январда республика Президентлигига Халқ демократик партиясидан номзоди кўрсатилган Абдулҳафиз Жалолов билан сайловчиларнинг учрашувини бўлиб ўтди.

Номзоднинг ишончли вакили Сайдулло Каримов Абдулҳафиз Жалоловнинг ҳаёт йўли, меҳнат фаолияти тўғрисида батафсил сўзлаб бер-

ди. Сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Абдулҳафиз Жалолов ўз дастурини баён этди.

Шунингдек, учрашувда сўз олган Мирзаобод туманидаги «Мирзачўл» қишлоқ фуқаролар йилғини раиси Каромат Мамарасулова, Ўзбекистон ХДП Гулистон шаҳар Кенгашининг биринчи котиби Қарамон Юсуфалиев, Бобўт тумани Кенгашининг биринчи котиби Даврон Ғоziбеков ва бошқалар номзод ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.



«Тошойна» хиссасдорлик жамияти пешқадамларидан Озода Болтабоева ҳалол меҳнат қилиб, ҳамкасблари орасида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлганлардан. СУРАТДА: Озода Болтабоева иш устида.

2000 — Соғлом авлод йили

ОҚИЛ ФАРЗАНДЛАР КАМОЛ ТОПАДИ

Сухбат ПўЛТАОВ, Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси:

— Президентимиз Ислам Каримовнинг Конституциямизнинг етти йиллик тантаналарига бағишланган маросимдаги нутқларини диққат билан тингладим. Юртбошимиз 2000 йилни Соғлом авлод йили деб эълон қилишни тақдир этган ҳолда барча юртдошларимизнинг кўнгилдаги гални айтдилар.

Дарҳақиқат, ҳар бир инсон биринчи галда соғлом ва оқил фарзандни тарбиялаб воғая етказиш ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Шуни таъкидлаш жоизки, юртимизда соғлом авлодни камол топтириш борасида муҳим замин мавжуд. Зеро, мустақиллигимизнинг дастлабки пайтларидан соғлом авлод тарбияси энг устувор вазифалардан бири сифатида эътироф этилди. Шаҳримиз спортнинг мутасаддиси сифатида шунини айтишни истар-

димки, пойтахтимизнинг барча мактаб, боғча, билим юрталари, спорт маҳорати мактабларида соғлом, бақувват ва баркамол инсонларни етиштириш ишларига доимо муҳим эътибор қаратиб келинади. Болалар боғчаларидан бошлаб ҳар хил спорт мусобақаларини ўтказиб ёшларимизни чиниктириб, тоблаб келатганимиз фикримиз далилдир. Президентимизнинг ташаббусларидан руҳланиб янги аср бўёғасида барча имкониятлари жамланган ҳолда соғлом авлод тарбиясига янгида кўпроқ эътибор қаратишга ҳаракат қиламиз.

ва имтиёзлар билан ажралиб туради. Энг муҳими, шаҳримиздаги деярли барча корхоналарда жамоа шартномалари ва битимларда белгиланган мажбуриятлар баҳарилмоқда. Жумладан, ўтган йиллар мобайнида шаҳардаги корхона, ташкилотларнинг жамоа шарт-

зодини қўллаб-қувватлаш бўйича мувожаати ўқиб эшиттирилди ва бир овоздан қабул қилинди.

Маъруза юзасидан муҳокамаларда шахримиздаги бир қатор корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари, касабаяошмалари қўмиталарининг раислари ишчиларнинг манфаатларини таъминлаш, оилаларининг ижтимоий муҳофазаси, шаҳар Кенгаши томонидан кўрсатилаётган кўмак тўғрисида тўхталиб ўтилди. Шаҳар касабаяошмалари кенгаши ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботи қонқариб деб топилиди.

Конференцияда ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди. Ўзбекистон Касабаяошмалари Федерацияси Кенгашининг III курултойига делегатлар, шаҳар касабаяошмалари Кенгаши ва унинг раёсати аъзолари, тафтиш комиссияси сайланди.

Мирзохид Содиков Тошкент шаҳар касабаяошмалари Кенгашининг раиси этиб, Юрий Асепков ва Фозил Рўзиевковлар раис ўринбосарлари этиб сайланди.

Анжуманда Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Аҳмаджон Миржалилов, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Фарида Абдураҳимова, Ўзбекистон Республикаси Касабаяошмалари Федерацияси Кенгаши раисининг ўринбосари Элёр Ёқубовлар иштирок этди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ.

Илгари хабар бериб ўтганимиздек, Тошкент шаҳар ҳокимлигида III нафар делегат иштирокидagi пойтахт касабаяошмалари Кенгашининг Уюшмалараро III ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар касабаяошмалари Кенгашининг раиси Мирзохид Содиков ҳисобот даврида, яъни 1995 йил январдан 1999 йил декабрга қадар Кенгаш томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида маъруза қилди.

Шунини айтиш керакики, «Касабаяошмаларининг фаолиятини тубдан ўзгартирамиз» шiori остида ўтган деярли беш йил ичида Тошкент шаҳар касабаяошмалари Кенгаши фаолиятида талайгина ютуқларга эришилди, бироқ ҳал этилиши керак айрим муаммолар ҳам йўқ эмас.

Албатта, меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишнинг асосий усули жамоа шартномаси, битимларини тузишдан иборат бўлиб, унда амалдаги қонунларга мувофиқ меҳнаткашларга қўшимча имтиёз ва кафолатлар белгиланади. Ҳар йили тайёрланиб қабул қилинаётган жамоа шартномалари, битимлари меҳнат муҳофазаси, ижтимоий масалаларга йўналтирилганлиги билан, хавфсиз меҳнат шaroитларини яратиш ҳақида норматив талабларининг қаттиқ қўйилиши билан, қўшимча тўлов

ШАҲАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Анжуманлар

номаларида ва битимларда белгилаб қўйилган фақат биргина йўналиш — меҳнат муҳофазасига тегишли 25 минг тадбир ўтказилди.

Меҳнаткашларнинг соғлигини мустаҳкамлаш учун 1995 — 1999 йиллар давомида дам олишни ташкил этиш ва санаторий-курортларда даволаниш учун бир миллиард 900 миллион сўм миқдоридagi маблаг бюджетдан ажратилди. Касабаяошмалари соғломлаштириш ва дам олишининг барча турларига имтиёз ва бепул равишда 220 мингдан кўпроқ ишга хизматчиларни жалб қилди. Аёл-

лар йилига бағишланган дастур ишлаб чиқилиб, унга мувофиқ аёлларни ишга жойлаштириш, моддий қўллаб-қувватлаш, соғломлаштириш борасида салмоқли ишлар бажарилди. Утган даврда меҳнаткашларнинг маданий дам олишларини ташкил этиш, улар

ҚАДРЛИ САЙЛОВЧИЛАР!

Индинга — 19 декабрь куни Тошкент шаҳридаги бир қатор сайлов округларида Олий Мажлис ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига сайловлар бўйича такрорий овоз бериш ўтказилади. Овоз беришда иштирок этиш сизнинг Конституциявий бурчингиз ва ҳуқуқингиздир.



ДАВР САДОСИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМЖИ»

БАРЧА МАМБАЛАРАН ОЛИНГАН СЎНТИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсарой қароғоҳида Япония Халқаро ҳамкорлик банки бошқарувчисининг ўринбосари ва бошқарувчи директори Йосеки Нагасени қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Япония Халқаро ҳамкорлик банки ўртасидаги ҳамкорлик қўламини кенгайтириш, янги лойиҳалар тузиш ва ҳаётга татбиқ этиш борасида ўзаро фикр алмашилди.
- Тошкентда «Қарллар тайёрлаш бўйича миллий дастур: ишотлар натижалари ва истиқбол» мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки мамлакатимизда биринчи бўлиб, Томсон Файнэншл БанкВон (TBW) агентлигининг рейтингини олишга муваффақ бўлди. Миллий банк фаолиятига берилган ушбу баҳо уни МДХ давлатлари банклари ўртасида етакчи ўринга олиб чиқди.
- Тошкент аэропортига АҚШдан инсонпарварлик ёрдами орттилган самолёт келиб қўнди. Самолётда умумий қиймати 5 миллион долларга тенг бўлган дори-дармон, тиббиёт ускуналари, болалар озиқ-овқати, санитария ва гигиена буюмлари келтирилди. «Америкерс» хайрия жамоғамаси бу совға-саломларни «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳумкат хайрия жамоғамасига юборган.
- Европа маркетинг тадқиқотлар марказининг Мукофотлар комиссияси бу йилги «Евромаркет-99» мукофотини «Совпласти-тал» Ўзбек-Италия қўшма корхонасига топишди.
- Пойтахтимиздаги Абу Али Ибн Сино номидаги маданий марказида фаолият кўрсатаётган «Умид» болалар фольклор-ракс ижодий гуруҳи Хиндистон пойтахти Дехли шаҳрида ўтказиладиган болалар театрлари учинчи халқаро фестивалида қатнашадиган бўлди.
- Бугун Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда Ўзбекистон миллий кураш федерацияси пойтахтимиздаги «Жар» спорт марказида Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловларига бағишланган ўзбек миллий курашнинг иккинчи тури «Белбоғли кураш» (Фарғонача усули) бўйича халқаро турнир ўтказди. Мусобақада Марказий Осиё мамлакатларининг сара пахлавонлари қоллиқиб учун беллашдилар.
- Ўзбекистон 8-миллий чемпионатининг энг яхши футболчиси номини аниқлаш учун ўтказилган сўровда Олий лиганинг ўнча жамоасидан 28 нафар футболчи номзодлари таллаб олинган эди. Яқуний ҳисобларга кўра, мазкур номзодларда «Пахтакор» вакили Андрей Ақопянц энг кўп — 70 очко тўплаб, йилнинг энг яхши футболчиси номини қўлга киритди.

ЖАХОНДА

- Бугун Дехлида болалар бадий ижодиёти республика маркази қатнашисини 4 ёшли Ойбек Исмоловга халқаро «Шанкар» кўргазмаси ташкил этилган куннинг 50 йиллигига Жаҳоҳарлал Неру номидаги олтин медал топирилди. У мукофотга Хиндистон пойтахти Дехли шаҳрида ҳар йили ўтказиладиган жаҳон болаларининг «Шанкар» халқаро кўргазмасига тақдим этган халқимиз миллий анъаналари ва урф-одатлари акс эттирилган «Тўй-бола» туркум расмлари учун сазовор бўлди.
- Козогистонда мамлакат мустақиллик кўни нишонланди. Шу муносабат билан Остонада тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.
- 19 декабрь — ақшанба кўни Россияда давлат Думаси ва Москва шаҳар мэри учун умумхалқ сайловлари бўлиб ўтди.
- Чехия парламенти матбуот тўғрисида янги қонун қабул қилди. Шарҳларнинг фикрича, бу қонун чехиялик журналистларнинг фаолиятини бир мунча энгиллаштиради.
- Украина Президенти Леонид Кучма халқаро валюта фондининг директор-таксимотчиси М. Камдессо билан мамлакатга янги кредит ажратиш ҳусусида музокара олиб борди.
- Сенегалда президент сайловларини ўтказиш муддати расман белгиланди. Овоз беришлар 2000 йилнинг 27 февралда бўлади. Давлат раҳбари лавозимини эгаллаш учун 7 нафар киши даъвогарлик қилимоқда.
- Кеча Берлинда «Катта саккизлик» мамлакатлари ташқи ишлар вазирларининг учрашуви очилди. Унда Шимоллий Кавказ ва Югославиядаги вазият бош масала қилиб қўйилган.
- Келгуси йил Бельгия ва Голландия яшил майдонларида бўлиб ўтадиган «Евро-2002»нинг финал босқичи учрашувларига кўрға ташланди.

«Кураш — менинг ифтихорим»

ОЙЛИК ДОИРАСИДА

Маъдумки, миллий курашимизни ривожлантириш, уни янада оммавийлаштириш ва курашимизнинг жаҳон майдонига чиққанига бир йиллиги муносабати билан шу ойда шахримизнинг барча туманларида, маҳаллаларда «Кураш — менинг ифтихорим» мавзусидаги «Кураш - шоу» мусобақалари ўтказиладиган.

Ушбу ойлик дастурига мувофиқ жойларда номдор полвонлар билан учрашувлар ташкил этилади, курашимизни тарғиб этувчи кўргазмалар уюштирилади, «Полвонжон — соғломжон» шiori остида кичик мусобақалар ўтказиладиган.

Кўни кеча республика олимпия ўринбосарлари билим юртида «Кураш - шоу» кураш мусобақалари ойлиги доирасида миллий кураш бўйича Тошкент шаҳрининг очик биринчилиги бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар кураш федерацияси, Республика олимпия ўринбосарлари билим юрти ва шаҳар спорт қўмиталарининг ташаббуси билан ўтказилган ушбу мусобақаларда асосан Тошкент вилояти ва пойтахт терма жамоалари, шунингдек Қозогистондан иккита команда иштирок этди. Юзга яқин ёш курашчилар ўнта вазн тоифасида олимпия усули бўйича ўзаро куч синашдилар. Қизилқарли баҳслардан сўнг олтитадан биринчи ва учинчи, учта иккинчи ўриннинг соҳиби бўлган шахримиз терма жамоаси умумкоманда ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Ғолиб ва совриндорлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Даврон ИСАЕВ.

Бизнинг асримизга келиб, ишқини жуда тор маънода тушуниш урф бўлди. Ёшларимиз, болаларимиз тасаввурда унинг кенг қамровли маъно-моҳиятини уйғотиш қанчалар машаққат. Аммо, мумтоз адабиётимизни ўқиб-ўрганиш, унинг образлар замирига чуқурроқ назар солиш мушкулликни осонлаштиради. Ишқ тушунчасининг аждодларимиз тафаккуридаги осмондек покиза ва осмон янглиғ ҳудудсиз кенгликдари билан бизни ошно этади.

Бу борада таваллудининг 190 йиллиги нишонланаётган Мухаммад Ризо Огаҳий шеърини алоҳида ўрин тутди. Шоир меросидаги барча фикр ва гоялар ишқ тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ.

Шоир шахси, унинг кўнгли, дарду

Мухаммад Ризо Эрнийёзбек ўғли
Огаҳий таваллудининг 190 йиллигига
УЎЛКИ ОҒАҲЛАРИНИНГ
ОҒАҲИДУР...

армонлари албатта, шеъриятида намоён бўлади. Дунё моҳияти, яшашнинг мазмунини борасидаги ўй-фикрлари ўз ифодасини топади. Огаҳий шеърятини кузатиб, унинг Шарқнинг доғишманди, байласуқ, назари ўткир ва зийрак. улуг аломаси эканлигига яна бир бор иймон келтирдик. Асарларида инсониятни асрлар оша ўйга чўлдирувчи, изтиробго солувчи оғрикли жумбоқларга жавоб топиш, ҳаётнинг мўъжизавий тилсимларини англаш йўли-йўриқларини кашф этиш мумкин.

Инсон баркамол бўлиши учун, авваламбор, руҳан озод бўлиши шарт. Руҳан озодлик бу — пархезкорлик, ҳалоллик, адолат, қаноат, садоқат, меҳр-оқибат каби қатор амаллар билан чамбарчас боғлиқ. Ҳўш, руҳий озодликка қандай эришиш мумкин? Бу жуда машаққатли, изтиробчан йўл. Аммо, инсонни ҳақиқий ҳурликка, руҳий кенгликка олиб чикувчи биргина восита бор. У ҳам бўлса — ишқ. Бу албатта, майда туйғу эмас. Балки кенг маънодаги тушунчадир. Биз назарда тутаятган ишқини — камолот, улғайиш, ўйғониш, тирилиш йўли дейишимиз ҳам мумкин.

Мумтоз адабиётимизда ишқ нафсага қарши қўйилади. Чунки, ҳақиқатга, боқийликка ишқ инсон руҳини қудайга озод этади, юксалтиради. Аммо, нафсини енгиш енгиш эл эмас. Унинг учун кишида улкан жасорат, қаноат, ирода, сабр ва интилиш, интихосиз ишқ мавжуд бўлиши керак.

Койнот сир-асрорини теран мушоҳада эта олган Огаҳий нафс занжиридан қутулиш воситасини ўз дунёқарашида қайта кашф этади:

Жонни ишқини доғига
банд айлабон озод қил,
Ким, ҳаво занжирини нафс айлашми
маҳкам анга.

Яъни, нафс тузоғига илинган вужудни Оллоҳ ишқинига озод ва обод эта олади. Бир қараганда, бу оддий ва машҳур ҳақиқатга ўхшаб кўринади. Аммо, Огаҳий маҳорати шундаки, ана шу маълум фикрни янгича ифода услуби, янгича сўзлар тизими, «нафс занжири»дан факат «ишқ доми» озод қилиш мумкинлигини ҳақиқатга собит ҳукм билан ифодалайди. Бу эса шоир асарига янгилик ва нафосат бахш этади.

Огаҳий қуйидаги рубоисинида нафс, кибру ҳаво исканжасидан, шон-шукрат офатидан халос қамтарин ошқилик мартабасини орузлайди:

Е раб, мани нафс бандидин
айла халос,
Ҳам кибру ҳаво камандидин айла
халос.

Хар ишда писандингни манга рўзе эт,
Олам элининг писандидин айла халос.

Ҳақиқий ошқилик — юксалиқдир. Унга муносиб бўлиш кишидан жуда катта фидойиликни, ҳалолликни, сабр-тоқатни талаб этади. Огаҳий ҳам улуг Шарқ алломалари изидан бориб, ошқилик мартабасига лойиқ бўлиш учун садоқат, ҳалоллик ва чидам-матонатни бирламчи шарт, деб ҳисоблайди. Шоир наздича, фазилатлардан

мосуво киши ошқилик нималигини англамайди ва билмайди:

Хар кимки, тариқи ишқ
аро содиқ эмас,
Ошқилик онингдек кишига лойиқ эмас.
Хар печакки чекса туну кун озу
фиғон,

Билгилки, жамоли ёрга ошқ эмас.
Хоразм адабий муҳитида ҳам тасаввуф таълимотининг Нақшбандийлик тариқати фалсафий асос ва-зифасини бажарган. Буни Огаҳий шеърятини мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Юқоридagi рубоий замирига ушбу сулуқнинг «Хилват дар анжуман» ақидаси сингдирилган. Ошқ қанча изтироб чекса, маҳбуба васлида ўртанса ҳам бу азобларни кўнглида пинҳон асрагани маъқул. Ҳаммага ошқор этиб, ошу фиғон тортиш бу — ошқилик шаънига номуносибдир, деган тушунчани илгари суради шоир.

Мумтоз адабиётимизда ишқ, Оллоҳ, ошқилик каби улуг тушунчалар билан кўнгул тушунчаси ҳаммаш ёнма-ён келади. Чунки инсон камолот-

Териб ёз асл-асл сўз сарасин,
Яхши сўз яқинлатар эл орасин.
Ажиниёз Қўсибой ўғли.

Қорақалпоқ халқининг тарихи
узқ асарларга бориб бозилувчи му-
сиқаси, кўнглилари, амалий санъа-
ти жаҳон миқёсидан манаман де-
ган санъат билимдонлари ва иш-
қибозларини дол қолдириб келади...

Териға бўрттириб гўл босиш, ўтов эшигидаги нақшлар, оддий кигизга ишланган безаклар, каштачиликда намоён бўлувчи бекиёс гўзаллик, гилам тасмаларидаги жилвалар, сибиғза, дапп, қўбиз жўрлигида жировлар томонидан ижро этилувчи куй, қўшиқ ва достонларга наинки ўзимиз, балки юксак тараққий этган олис мамлакатларда ҳам ҳавас билан боқадилар. Бу юртдаги йигит-қизларнинг инжа қалбларига муҳаббатнинг юлдузли онларию Ватанга, юртга адоқсиз садоқат туйғуси илк бор қайнони аёллар ижросидаги шинқўбиз (огиз чанги)нинг илоҳий садолари билан кириб келади.

Ажиниёз Қўсибой ўғли
таваллудининг 175 йиллигига
«ЯХШИ СЎЗ ЯҚИНЛАТАР
ЭЛ ОРАСИН...»

«Қирқ қиз» достонини ўқимганда, ундан айрим парчаларни ёд билмаган қорақалпоқни топиш қийин. Агар топилиб қолгудек бўлса, балки қорақалпоқ чикмас. Бу халқнинг Жиян Жиров, Қунҳўжа, Бердақ, Ўтеш шоир деб оқин ва шоирлари миллатнинг миллат сифатида сақланиб қолиши ва авлоддан авлодга ўтишида бекиёс хизмат кўрсатганлар. Чингиз Айтматов қирғиз халқини ҳахонга нечоғлиқ машҳур қилгандек, Тулепберган Қампбергана ҳам қорақалпоқ халқи ҳурмати-ни халқроқ миқёсга шунга монанд олиб чиқди.

Ажиниёз Қўсибой ўғли мана шу халқ адабиётининг XIX асрда яшаб, ижод этган буюк намоёнасидир. Унинг «Менгизар» номли шеърисида «Инсон ўғлининг — бари инсон» деган бир қарашида ниҳоятда оддий, лекин замири чуқур маъноли фикрга дўх келамиз. Бу бани одамзод, ҳар бир киши тенг ҳуқуқли деганидир.

Хар бир нарсаси, ҳодисанинг ўзига хос мезони бўлгандаки, шоирнинг кадр-қиммати ҳам энг аввало унинг асарларидаги бадийи теранлик, янгилик сўзининг таъсир кучи билан белгиланади, албатта.

Сўзининг таъсир кучини, бадийи етуклигини кўрсатувчи намуналар эса Ажиниёз ижодида мўлдил. Муҳаббат ва аёл гўзаллиги ҳақида шунчалар кўп ёзилганки, бу борада янги бир ташбеҳ топишнинг ўзи бўлмайди. Ажиниёз эса топади, топаганда ҳам, аҳойибларини:

Бўзатовли гўлбанафша позанин,
Асалинг арини сўзидан беъдирар.
Киприкларинг сўзилиб,
боқиларинг
Юлдузини титратиб туну,
беъдир...

Унинг «Севгили» шеърисидаги ушбу мисралар ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин:

Қўлар тархнади, нозикдир миён:
Фаҳми хуш, суварат хуш,
нистабай даҳон,
Зевар дер, мен учун сен-икки
жаҳон,
Саллона-саллона келган севгилим.

Бундай шеърлари айтиш учун у даврининг шоирларида маҳорат ва истеъдоддан ташқари ажабтовур жасорат ҳам керак эди-ки, Ажиниёз ана шундай жасорат эгаси эди.

Қўларда зир чопар оҳуно жайрон,
Қай бири сайёда нишон
бўлмади?!

Бу оҳу, бу жайрон сиз азиз ўқувчи-га, шоирнинг доимо таҳликада бўлган ўз қалби, адолат излаган боқира кўнгли бўлиб туюлмаётганими? Ҳақиқат деб ёниб-қуйган, замонанинг носозликларини фоз этган, амалдор тўраларни танқид қилиб, фуқаро учун қайишган, қайси бир тўғрисиш шоир ҳоким кўнчинг қаҳрига дучор бўлмади, Ажиниёзнинг жайрони сайёда нишон бўлмасин.

Шоир адабий меросининг гўзал намуналарини ўз халқини, Ватанини, юрт гўзаллигини қуйлаган шеърлар таш-

кил этади. У айрим шоирлар каби, уруғларим ўзаро нуқул қирқчоқ бўлиб урушиб яшади, демайди. Аксинча, у кўпроқ ўз халқининг уруғлари билан гурурланади. Хитой, қипчоқ, кенегас, мангит ва бошқа уруғлардаги «от кўтармас полвон беклар», бекиёс гўзал қизлар борлигини қуйлайди. Қорақалпоқдаги қушларнинг барчаси шоир тасвирича, бамисоли бўлбўлдек дилбар, бу юртнинг ҳар бир чўпи, қўкати дардларга дармон ва шифобахшидир, бу дийрда ҳатто, йилга уч бор мева берадиган ўсимликлар бор.

Бироқ мана шундай юртда замона қийинчиликлари ва адолатсизликлар туйғайли шоир кўнгли мулки кўпинча вайрон бўлиб яшаганини ачиниш билан ёзади:

Жонлар қўлида тилла соз эдим,
Авжиза келтирар жонон бўлмади
деб ёзар экан, бу ўринда поэтик
фикрни матнинг ўзида кўриниб турган
маънодан ташқари, унинг таг-та-
ламидан ҳам уқиб олиш тўғрироқ бў-
лади. Яъни, бу ўринда шоир ўзининг

санъаткор сифатидаги имкониятларини тўғри баҳолай оладиган ва кадрга етадиган ҳоким кучдаги адолат бўлмаганига шаъма қилмоқда.

Ажиниёз эл кезган, юрт кезган, халқ ҳаётини обдон ўрганган, ўз она тилидан ташқари ўзбек, қозоқ, туркман тилларини яхши билган, Хивадаги Шерғозихон мадрасасида таҳсил олган, Яссавий, Ҳофиз, Навоий, Машраб асарларини яқиндан ўзлаштирган билимдон киши эди. Унинг рус, нўёой юрти, қозоқ чўли-ю туркман даштларида гоҳ ўз хоҳиши, гоҳ гайрихитийр равишда бўлишига турби келганлигини севимли рафискаси, фарзандлари билан хайр-хўшлашиб ёзилган шеърлари орқали кузатиш мумкин. Шоирнинг олисан жигаргўшаларига қарата ёзилган «Салом дегайсан» номли шеъри бор. У қатор хислатлари билан Х.Х. Ниёзийнинг «Салом айтинг» деган шеърини эсга олади. Тўғри, Ҳамза асарга Ажиниёз шеъриндан, тахминан 60-70 йил кейин ёзилган ва 1916 йилги мардикорликка олишнинг реал таъсири натижагадир тузилган. Лекин, бундан қатъи назар, бу икки асараро муштарак хусусиятлар аксар асарлари эл ичидан кенг тарқалган ва қуйланиб келган Ажиниёз асаридан Абдугани Рўзиевнинг

ижроси ўз оиласига, Ватанига, ёру дўстларига оқибатли бир инсон сифатида жонли чиққан. Тошбуви ролида чиққан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зулайхо Бойхонова ҳақиқий ўзбек аёл тимсолини яратган. Раис ролини ижро қилган артист Жакбарали Жўраев ўз ролини маромига етказиб ўйнаши билан алоҳида диққатга сазовор. Шунингдек, артистлар Дилмурод Узоқов, Отабек Ҳақбердиевларнинг ёш актёр сифатида саҳнада ўз қаҳрамонларига сидқидилдан ёндошишлари уларнинг умидли келажакларидан далолатдир.

Мухтасар КАРИМОВА.



Янги томошалар
«ҚУДУҚ
ТУБИДАГИ
ФАРЁД»
Яқинда Муқимий
номли ўзбек Давлат
музыкали театрида
яна бир янги асар
саҳна юзини кўрди.

«Қудуқ тубидаги фарёд» асари ёш драматург Ғофур Шермуҳаммад қаламига мансуб бўлиб, асарни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рустам Маъдиев саҳналаштирган. Асар ўзининг руҳи билан ҳозирги кунимиз учун ниҳоятда зарур муаммо бўлиб бораётган одамийлик, меҳр-оқибат, бурчга садоқат ва яшаб турган заминга эътиқодли бўлишни олға суради. Айниқса, бош роль — Лаллай образини яратган артист Абдугани Рўзиевнинг ижроси ўз оиласига, Ватанига, ёру дўстларига оқибатли бир инсон сифатида жонли чиққан. Тошбуви ролида чиққан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зулайхо Бойхонова ҳақиқий ўзбек аёл тимсолини яратган. Раис ролини ижро қилган артист Жакбарали Жўраев ўз ролини маромига етказиб ўйнаши билан алоҳида диққатга сазовор. Шунингдек, артистлар Дилмурод Узоқов, Отабек Ҳақбердиевларнинг ёш актёр сифатида саҳнада ўз қаҳрамонларига сидқидилдан ёндошишлари уларнинг умидли келажакларидан далолатдир.

Мухтасар КАРИМОВА.

Шарқ дурдоналари
Оз-оз ўйганиб
домо бўлар...
◆ Оналаримиз бизларни вояга етказиш учун меҳру муҳаббатини ишга солиб, оромидан кечи-чи, кечалари ухламай, тарбиямизга машғул бўлган. Ҳафа бўлиб қолсақ ёки кўнглимиз бир оз ранжиб қолса атрофимизда парвона бўлган, то-бимиз қочиб қолса, ҳузур-халоватини йўқотган ҳам она. Боғбонсиз бирор дарахтнинг меваси яхши бўлмайди. Она эса биз учун боғбондир. У доимо бизни парвариш қилиш пайида бўлади. Бунга фаҳмлаган ҳар қандай бола ўз онасини барча нарсалардан устун қўяди ва ҳаммиса ҳурматини қилади.

Ақлли фарзанд бир дақиқа бўлса ҳам она меҳрини эсдан чиқармайди, кичкина ишга қўл урганда ҳам онани бундан воқиф қилса, унинг розилигини олади, айтган сўзларига қўлоқ солиб, маслаҳатларига амал қилади, ҳар вақт онани миннатдор қилишга уринади.

Вояга етган болалар яхши тарбия олиб, бирор касб эгаллаб олганларидан кейин ҳар вақт оналари олдиға келганларидан бир вақтлар шу онасидан оқ сут эмиб катта бўлганларини, унинг қучоғидан парвариш топанларини ўйлаб, ҳеч қачон онага қаттиқ гапирмайдилар, юмшоқ сўзлар билан унинг кўнглини оладилар. Онанинг бир вақт ўзлари учун чеккан жафо ва меҳнатларини унут-тиришга уринадилар, уларнинг дил розилигини олиб, бир умрга шодмон қиладилар.

Мустафо ҲОМИЙПОШШО.

◆ **Сен нафсинг лаззатини ўйлама,**
Ўйбу ўтқиқчи ҳавасни сўйлама.
Қанча давлат йилмаю дема молим,
Оқибат олдидан бордир шум ўлим.
Бу азиз танданки жон бўлай равона,
Ҳоку тупроқ билра тўлғай устхон.
Жон берар ман, чора йўқ, бечорадир,
Йўлдан оздирувчи нафс аморадир.

Фариддин АТТОР.

◆ Китобларда баён қилинишича, ота-онанинг фарзандга нисбатан саксонта ҳақи бор. Уларнинг қирқтаси тириклик вақтида ва қолган қирқтаси ўлгандан кейин амалга оширилади. Тириклик чоғидаги қирқта ҳақнинг ўнтаси танга, ўнтаси тилга, ўнтаси дилга ва ўнтаси молга тааллуқлидир.

Танга тааллуқли бўлган ўнта ҳақ ота-онага сидқидилдан хизмат қилишдир. Бу шундайки, ота-онага ҳамма вақт ҳурмат қўзи билан қаралади, қилма деб буюрган ишлари қилинмайди, уларнинг маслаҳати ва розилигисиз ҳеч бир ишга қўл урилмайди, яна улар сен ўтирган жойда ҳозир бўлсалар, сен дарҳол ўрнидан туриб кутиб олсан, улар ўтирган бўлишса, сен оёқда тик турасан. Улар ўтирадиган ўринга сен ўтирма. Уларнинг олдида очик чехра билан ўтир. Қовоғингни солма, ҳўмайиб қарама, чақирганлариде эса юзориб бор.

Аммо дилга тааллуқли бўлган ўн нарсаси шундан иборатки, биринчи — уларга раҳму шафқат билан қара. Иккинчи — уларга доимо қўлингдан келганча яхшилик қил. Сенинг шодлигинг уларнинг хурсандчилиги билан бўлсин. Улар ҳам тортсалар сен ҳам қайғур ва уларнинг дардиға малҳам бўлиш йўлини қидир. Ота-онанга қанча яхшилик қилмагин ва ҳақларини адо қилмагин уларнинг диллари заррача озор топишини ўзинг учун ор деб бил. Уларнинг қандай ниятлари бўлса ўша ниятларига етишлари учун ҳаракат қилмоқ даркор. Улар қанчалик узок умр кўрсалар шунчалик қувон. Қанчалик дардли бўлса шунчалик кўнглини олишга урин.

Мухаммад ибн Мухаммад ал-ЖОМИЙ.

◆ Эй азиз! Билгинки, ҳақиқий суҳбат одамнинг қалбига қараб бўлади, яъни одамнинг дилидан бировнинг дилига йўл очмагунча икки кишининг орасида ҳақиқий суҳбат, муҳаббат ва пайвандлик ҳосил бўлмайди. Шунинг учун донолар: «Дилдан дилга йўл бор» дея мақол қўишган. Дил дилини топадиганга улар бир бирининг аҳолига тушунади, шундагина ҳақиқий суҳбат, соф дўстлик пайдо бўлади. Жалолиддин Румий ўз маснавийларида поклар суҳбатини қуйидагича тавр-аном қилади.

Назм:
Яхшиларнинг суҳбатини кўнглингга сол,
Ҳеч ёмоннинг суҳбатини қилма ҳаёл!
Қўр, қизил гўл боғ ичин хандон қилур,
Мард киши номардни ҳам инсон қилур.
Гарчи сен бўлсанг агар мармар каби,
Яхши билра бўлгансан гавҳар каби!

Мухаммад ЖАБАЛУДИЙ.

◆ Бирор кимса билан дўстлик йўлини тутиш ва суҳбатдош бўлишда маълум ҳақлар мавжуд бўлиб, уларга тўла амал қилиш мумкин. Биринчи — мол ҳақи бўлиб, унда учта даража мавжуд. Биринчи даража шундайки, сен ўз аёл ва фарзандларинг қандай муҳофаза қилиб, бекам қўст яшашларини бўйинига олган бўлсанг, дўстларга нисбатан ҳам шундай йўл тутасан. Бошқа даражалар шундайки, сен дўстларинг қам ўзингдек тасаввур қилсан, масалан, сен ўз мол-мулкинг қандай эғалик қилсанг, уларни сарфлашда ҳам қанчалик эркин бўлсанг, дўстларинг қам худди шундай йўл тутишларига имкон берасан. Кейинги олий даража шундайки, дўстларингнинг ишини ва уларнинг манфаатини ўз манфаатларингдан юқори қўясан.

Мухаммад ибн МАҲМУД.
Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.

Ватанпарварлик ва Ватан туйғулари барчамиз учун азиз ва муқаддасдир. Эртаги юртимиз худудларини химоя этувчи фарзандларимизнинг ҳар томонлама етук, жисмоний жиҳатдан соғлом, Ватанга содиқ инсонлар бўлиб етиштишларида мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилот, бошқа жамоат ташкилотлари, маҳаллалар ҳамкорлиги муҳим роль ўйнаши сир эмас. Шу маънода ёшлар орасида ҳарбий-ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш борасида олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини ошириш, ёш-

ларни турли ҳарбий-спорт машғулотлари орқали чиқариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари ва шаҳар ҳокими томонидан тасдиқланган дастуруга асосан шахримизда пойтахт мудофаа ишлари, халқ таълими, касб-ҳунар, ўрта махсус таълим бошқармалари, «Ватанпарвар» ташкилот, «Камолот», «Нуроний» жамағмалари, «Маънавият ва маърифат» маркази



Юрт туйғуси — муқаддас
ОММАВИЙ — ВАТАНПАРВАРЛИК ОЙЛИГИ
БОШЛАНДИ

шаҳар бўлими томонидан 15 декабрдан «Ватан ҳимоячилари кунини» га бағишланган оммавий ватанпарварлик ойлиги бошланди.

Авал хабар берганимиздек, ушбу ойликнинг очилишига бағишлаб Тошкент шаҳар ва вилояти ҳокимликлари, мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоты Тошкент шаҳар ва пойтахт вилояти Кенгаши ташаббуси билан Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрида ўтказилган тадбир ҳам жуда сермазмун ва қизиқарли ўтди. Шу кун театр атрофида «ЯК-42» самолёти, автомобиль, ракета, кемалар моделлари, авиамоделлар, картинлар, мотоцикл, багги, автоспорт машиналари, машқ машиналари, радиостанциялар, фойеда эса «Ватанпарвар» жамаияти бирлашган техника мактаблари ҳаёти ва фаолиятдан ҳикоя қилувчи фотокўргазмалар ташкил этилиб, ёшлар уни чуқур қизиқиш билан томоша қилишди.

— Тинчлик ва барқарорликни таъминлаш фақат куч-қудрат билан эмас, балки мафқуравий жиҳатдан ҳам са-

лоҳиятга эга бўлишга боғлиқ, — деди жумладан оммавий — ватанпарварлик ойлигини оқибатдан Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Рихсатилла Ақромов. — Албатта, «Ватанга содиқ, ватанпарвар бўл» деган билан инсонда ушбу туйғу шаклланиб қолмайди. Ўзликини англаш, ота-онага, киндик қони тўқилган юртга, унинг ўтмишию бугуни, шонли келажакка бўлган муҳаббат билан уйғонади. «Ватан ҳимоячилари кунини» га бағишланган ойлик ҳам ўз навбатида ана шу туйғуларни шакллантириш мақсадида ўтказилмоқда.

Ушбу ойликнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундан иборатки, унда маънавий-маърифий ислохотларни амалга оширувчи бир қатор тизимлар ҳамкорлигида иш олиб бориб, ўз фаолиятларида кишилар онгида истиқлол гояларини янада чуқурроқ сингдириш, ёшларнинг муштакли тафаккурини юксалтиришга қўмаклашиш, ўсиб келаётган ёш авлод қалбида миллий мафқура ва умумбашарий қадриятларга асосланган дунёқарашни шакллантириш

миз эканлиги, халқимиз ва армиямиз бирлигини янада мустаҳкамлаш давр талаби эканлиги, маҳаллаларда оммавий спорт турларини ривожлантириш борасидаги тажрибалар хусусида тўхталиб ўтишди.

Тадбир сўнгига Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрининг навқирон ва кекса санъаткорлари билан Ватан туйғуси ва ватанпарварлик мавзусида ижодий мулоқот бўлиб ўтди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.
СУРАТЛАРДА: «Ватан ҳимоячилари кунини» бағишланган оммавий ватанпарварлик ойлигининг очилиш маросимидан лавҳалар.

Сергей Любич
олган суратлар.



